Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 июнь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 119 (2947)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида

***«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва мулкчиликнинг хусусий шаклига асосланган кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш, юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турларининг илова қилинаётган рўйхати тасдиқлансин.

Белгилансинки, илова қилинаётган рўйхатга кирмаган ва амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятининг қолган барча турлари билан жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ҳокимият ва бошқарув маҳаллий органлари томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий риоя қилиниши ҳамда назорат қилувчи ва бошқа давлат органларининг тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги, хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун жавоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 июнь.

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 4 июндаги
қарорига илова

### Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари

### РЎЙХАТИ

| Т/р | Фаолият турининг номи |
|---|---|
| 1. | Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмларни сотиб олиш ва сотиш |
| 2. | Муҳр ва штамплар тайёрлаш |
| 3. | Меҳмонхоналар, отеллар ва кемпинглар ташкил этиш |
| 4. | Юридик шахсларга капитал қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш |
| 5. | Лойиҳа, лойиҳа-конструкторлик фаолияти ҳамда лойиҳалар ва сметаларни экспертизадан ўтказиш |
| 6. | Нефть маҳсулотларининг барча турларини сотиш |



*Урганчдаги «Феруз» ҳиссадорлик жамияти Хоразм вилоятидаги истиқболли корхоналар сирасига киради. 250 нафардан зиёд аёллар меҳнат қилаётган ушбу корхонада асосан болалар кийимлари, махсус кийим-бошлар тикилади. Ўтган йили бу ерда ип калавадан экспортбоп газлама ишлаб чиқарадиган «Хитой — Бизинтруд — Осиё текстил» қўшма корхонаси ташкил этилди.*

*— Мақсадимиз, хорижга чиқиш ва унинг бозорларини забт этиш, — дейди корхона раҳбари Кларахон Жумамуратова.*

*— Бу дегани жаҳон андозаларига мос ва хос бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш. Бу борада хорижлик тадбиркорлар билан ҳамкорлигимиз қўл келмоқда.*

*Ҳозирда «Феруз»нинг тўрт нафар мутахассиси Германияда малака ошираётган бўлса, германиялик мутахассис Вине Кенигедди Нилс «Феруз»чиларнинг маслаҳатдошига айланган.*

СУРАТДА: тикувчи Саломат Аллаберганова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН — НАТО: ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

13-14 июнь кунлари пойтахтимизда НАТО Илмий қўмитасининг кўчма йиғилиши ва Марказий Осиё минтақавий илмий-техникавий муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Илмий-техникавий тараққиёт бўйича мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази ҳамда НАТОнинг Илмий қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда НАТОга аъзо ва унга ҳамкор мамлакатлардан олтмишдан зиёд вакил иштирок этиши кутиляпти.

НАТО Илмий қўмитаси билан Ўзбекистон ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик етти йил аввал ўрнатилган эди. Шу давр ичида турли мавзудаги семинарлар ўтказилди, кимё, физика, тиббиёт, биология соҳалари бўйича қатор илмий лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон олимлари НАТО Илмий қўмитаси томонидан ўтказиладиган илмий анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Кўчма йиғилиш ва халқаро семинарни ўтказишдан кўзланаётган мақсад Марказий Осиё минтақасидаги энергетика, экология, ичимлик суви ва сейсмология муаммоларини муҳокама қилишдир.

НАТО Илмий қўмитасининг навбатдаги кўчма йиғилиши Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Халқаро ташкилот вакиллари юртимизда фан ва техника соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар ижобий натижа бераётганини эътироф этмоқда.

Тадбир доирасида меҳмонлар Фанлар академиясининг институтлари ва илмий лабораторияларини кўздан кечиради.

Семинарда НАТО Бош котибининг фан ва атроф муҳит масалалари бўйича ўринбосари Жан Фурнэнинг иштирок этиши режалаштирилган.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 6-7 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўладиган навбатдаги саммитида иштирок этади.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*6-7 июнь кунлари Санкт-Петербургда мазкур ташкилотнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтади*

Шимолий пойтахт... Россия оммавий ахборот воситаларида бу истилоҳ тез-тез ишлатилиб туради ва биз гап қайси шаҳар ҳақида кетаётганини яхши биламиз. Пётр I асос солган Нева соҳилидаги бу шаҳар расман пойтахтлик мақомини йўқотган. Лекин унинг бир замонлар Россия пойтахти бўлгани, ҳатто октябрь тўнтаришидан кейин ҳам бир муддат шу мақомда тургани тарихий ҳақиқат. Санкт-Петербург ҳарбий-стратегик ўрни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий салоҳияти билан Россия давлатчилигида бугунги кунда ҳам алоҳида нуфузга эгаки, буни давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, халқаро илмий-амалий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирларнинг кўпинча айнан шу шаҳарда ўтаётганидан ҳам билса бўлади. Узоққа бормасдан, май ойининг иккинчи ярмида ўтган АҚШ — Россия олий даражадаги учрашувларини олайлик. АҚШ Президенти Жорж Буш билан Владимир Путин музокараларининг асосий қисми Санкт-Петербургда ўтди, десак хато қилмаймиз.

Санкт-Петербург шу кунларда яна бир йирик анжуманга тайёргарлик кўрмоқда. 6-7 июнь кунлари бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлади.

Аввало, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳақида. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлат раҳбарларининг 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида ўтган учрашувида ташкил этилган. Бу азми қарор ШҲТ ташкил этилганлиги тўғрисидаги декларация билан мустаҳкамланган.

Маълумки, бунгача "Шанхай бешлиги" деган ташкилот фаолият юритар, собиқ СССР — Хитой чегаралари бўйлаб Хитойнинг Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон билан чегара ҳудудларида ўзаро ҳарбий ишончни қарор топтириш, қуролли кучларни қисқартириш ташкилотнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган эди.

(Давоми 2-бетда).

## «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман иштирокчиларига

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Қадрли дўстлар!*

***Сизларни кўҳна цивилизация бешикларидан бири бўлган, асрлар давомида турли миллат ва дин вакиллари ўзаро тинч ва ҳамжиҳат яшаб келаётган гўзал ва бетакрор Ўзбекистон диёрида, қадимий Самарқанд тупроғида муборакбод этишдан бениҳоя мамнунман.***

***Аввало, шуни таъкидлаш керакки, жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган исломшунос олимлар иштирокида ўтаётган бу анжуманнинг муқаддас мусулмон дини ва дунёвий-маърифий давлатчилик муносабатларига бағишлангани катта аҳамиятга эга.***

***Ер юзида ҳаётни асраб қолиш, инсоннинг тинч, эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида турли дин, миллат ва элат вакиллари, маданиятлар ва цивилизациялар ўзаро мулоқотга киришаётган ҳозирги даврда дин ва дунёвий давлатчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиш жаҳон халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.***

***Чунки, бугунги кунда миллион-миллион одамларнинг руҳиятига бевосита таъсир ўтказадиган диннинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўғри англамаслик, диний қадриятларни тараққиёт ва дунёвийлик каби тушунчаларга қарама-қарши қўйиш қандай фожиали оқибатларга олиб келишига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.***

***Айниқса, муқаддас ислом динини ғаразли мақсадларда сиёсийлаштириб, ундан ҳокимият учун кураш, мафкуравий қурол сифатида фойдаланиш сингари салбий ҳолатларнинг кучайиб бораётгани ушбу анжуман кун тартибига киритилган масалаларнинг нақадар жиддий ва долзарб эканидан, бугун замон олдимизга қўяётган бундай оғир ва таҳликали муаммоларнинг ечимини топиш ҳаётий заруратга айланаётганидан далолат беради.***

***Шу маънода, давлатчилик ва дин муносабатлари борасида бой тарих ва тажрибага эга бўлган, ҳозирги янгича шароитда ана шу тажрибани миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида ривожлантириб келаётган Ўзбекистон заминида ўтаётган ушбу халқаро анжуман ислом динининг асл моҳиятини, унинг эзгулик ва инсонпарварлик ғояларини янада теранроқ очиб беришда муҳим бир қадам бўлади, деб ўйлайман.***

***Сизларни яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, илмий ишларингизга ривож, анжуман ишига муваффақият тилайман.***

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

**Самарқандда Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент Ислом университети томонидан ташкил этилган "Ислом ва дунёвий-маърифий давлат" мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман ўз ишини бошлади. Унда Германия, Франция, Буюк Британия, Россия, Туркия, Миср, Эрон каби давлатлардан келган таниқли олим ва дин арбоблари иштирок этмоқда.**

Анжуман иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Анжуманнинг асосий мақсади — демократик фуқаролик жамиятида дин, хусусан, ислом динининг ўрни ва аҳамияти ҳамда бу борада Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Дунёда юзага келган бугунги вазиятда сайёрамиз хавфсизлиги ва инсоният тараққиёти истиқболларини таъминлашда дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ҳамжиҳатлиги натижасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табаррук заминимизнинг азалдан умумжаҳон цивилизацияси марказларидан бўлгани мазкур анжуман бизнинг заминда ўтказилишининг асосий сабабларидан биридир.

Анжуманнинг биринчи куни Ғарб ва Шарқда ҳокимиятнинг дунёвий ва диний тармоқларга ажралиши, дунёвий давлатлар пайдо бўлиши мунозара этилди. Ҳозирги исломда дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги нисбат, дин-ҳуқуқ ва давлат мавзуида фикр алмашилди.

Шунингдек, диний манбаларнинг таржимаси ва тафсирларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилди. Чунки уларни бузиб талқин этиш динлараро тотувлик ва бағрикенгликка путур етказиши мумкинлиги таъкидланди.

Анжуман доирасида "Ўзбекистон ислом обидалари" ва "Ислом зиёси ўзбегим сиймосида" китоблари тақдимоти ҳам ўтказилди.

**(ЎзА).**

Акс-садо

## БУГУНГИ ФИДОЙИЛИК — ЭРТАНГИ ФАРОВОНЛИК



**Олимбой ПРИМОВ,**
**Беруний тумани:**

*— Президентимизнинг халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Айниқса, бизлар, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган юртимиз истиқболи ҳақида билдирилган фикрлардан ғоят таъсирландик. Эртанги кун қиёфаси кўз олдимизда яққол намоён бўлди.*

*Яширишга не ҳожат, халқ турмуш фаровонлигини ошириш хусусида гап кўпу, иш озлигини сезардик. Баъзи «думбул» кадрлар мансаб курсисига келиб қолаётгани ҳам кўпчиликка маълум эди. Ўйлайманки, эндиликда ана шу каби иллатларнинг пайи қирқилади.*

*Бу борада биз, ёши катталар ёшларға қўл-қанот бўлишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Зеро, Президентимиз нутқи Қорақалпоғистон аҳлини ҳам ёниб ишлаш ва ёниб яшашга даъват этаяпти.*

**Олимжон ИСОҚОВ,**
**Денов туманидаги «Исоқ бобо» фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Фермер хўжалиги ташкил этишим қизиқ бўлган. Бундан тўрт йилча олдин энди замон ўзгаргани, нимадир қилишим кераклиги, қараб ўтирсам кеч қолишим мумкинлиги ҳақида чуқур ўйлашимга тўғри келди. Ишонасизми, ҳовлимиздаги узумзордан ака-укалар бир бўлишиб, гектаридан 120 тоннагача узум олган пайтларимиз бўлган. Ширкат хўжаликларимизда эса бир гектар ер берган узум 20 тоннадан ошмайди. Мен ана шу «тажриба»мизни кенг ёйиш мақсадида Денов туманидан ижарага уч гектар ер олиб, узумнинг ҳусайни навидан экдим. Узумзорларим ҳадемай ҳосилга кириб қолади. Унгача узум ораларига помидор экиб турибман. Ҳозирча 13 киши ишлаяпмиз. Маошни ҳар ойда олиб туришибди. Тўғри, ишим силлиқ кечгани ёки кечаётгани йўқ. Бундан икки йилча олдин еримни собиқ туман ҳокими тортиб ҳам олди. Лекин Адлия вазирлигига мурожаат қилиб, яна қайтариб олдим. Ота-боболаримиз «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди» дейишган. Мени ана шундай ишларни қилишга даъват этган, ундаган Президентимиз бўладилар. Мен ҳар гал у кишининг гапларидан қувват оламан, тадбиркорликни, тадбиркорларни ёқлаб гапирганларида чексиз қувонаман, тўлиб-тошаман. Бу гал ҳам шундай бўлди.*

**Қилич ТЕМИРОВ,**
**ўқитувчи,**
**Навбаҳор тумани:**

*— Ўша оқшом сессия ишини ойнаи жаҳон орқали ҳаяжон билан кузатдим. Президентимиз маърузасида халқ хўжалиги соҳасидаги аҳвол содда, ихчам ва чуқур таҳлил этилди, иш сифати ва самарадорлигини ошириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берилди.*

*Вилоят мактаблари битирувчиларининг билим савияси паст эканлигини эшитиб, ўзимни қўярга жой тополмадим. Шундай ҳолга тушиб қолишимизнинг асосий сабаби нима? Ислоҳотларни чуқурлаштириш учун бизга нима етишмаяпти, ўзи?! Бу ўринда ҳаммамиздаям айб бор. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида фаолият кўрсатаяпмиз-ми?*

*Куни кеча жамоамизда ана шулар ҳақида баҳс-мунозара бўлди, тегишли сабоқлар чиқарилди. Сессияда билдирилган фикр-мулоҳазалар келажак ҳаётимиз учун муҳим ҳаётий аҳамият касб этиши шубҳасиз.*





## АЛЛО, СИЗНИ ВАЗИР ЭШИТАДИ!

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

**Шу йил 7 июнь куни соат 10.00 дан 12.00 гача Сизлар учун Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқилжон ОБИДОВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.**

**Агар Сизни мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг шу борадаги қарори қандай бажарилаётганлиги қизиқтирса, умуман ижтимоий ҳимоя бўйича шахсан вазирдан жавоб олмоқчи бўлсангиз, ўша куни қуйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг:**

**(8-371) 139-41-13, 139-41-24.**

**Мабодо вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан соат 18.00 гача бевосита таҳририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашингиз ёки (8-371) 132-10-65, 133-38-01 рақамли телефон орқали баён этишингиз мумкин.**

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!**

## Ўзбекистон ва жаҳон

***Ҳар бир нарсанинг қиймати таққосда билинади, деганлари ҳақ гап экан. Истибдод даврида нақадар маҳдудона ҳаёт кечирганимиз Истиқлол йилларида билинди. Бир мисол. Янглишмасам, саккизинчи синфда ўқиётган пайтларимиз эди, мактабимизга янги инглиз тили муаллими ишга келди. Ўша пайтларда Тошкентда АҚШнинг қандайдир кўргазмаси очилган ва муаллим уни бориб кўрган экан. Ўқитувчимиз ҳеч кимга айтмаслик шарти билан ана шу кўргазмадан олган таассуротларини гапириб берар, биз эса унга ҳавас билан тикилиб ўтирардик: домламиз чет элликларни кўрибди, ҳатто улар билан гаплашибди ҳам-а.***

***Истиқлол даврида аклини таниган, хорижликлар билан тенгма-тенг гаплашаётган бугунги ёшларга бу гаплар кулгили туюлиши мумкин.***

***Республика Бадиий академиясида юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ япон хонимлари билан суҳбатлашар эканман, уларнинг ҳунарманд халқимиз тўғрисидаги илиқ-иссиқ сўзларини эшитганимда қалбимни фахр-ифтихор ҳисси эгаллади. Чунки улар шунчаки сайёҳлар эмас, халқ ҳунармандчилиги бўйича етук мутахассислар бўлиб, юртимизга миллий каштачилигимизни ўрганиш мақсадида ташриф буюришган экан.***

# БОЛАЛИКНИ ҚАЙТАРГАН САНЪАТ

### *Миллий каштачилигимиз — хорижликлар нигоҳида*

— Мен йигирма беш йил олдин Европада чоп этилган каштачиликка оид бир китобни сотиб олгандим,-дейди меҳмонларга бош бўлиб келган Киото шаҳридаги ҳунармандчилик-тадқиқот хусусий институтининг соҳибаси Накаяма хоним.-Китобда ўзбек каштачилиги тўғрисида ҳам анчагина маълумотлар бор экан. Ўқиб чиққач, роса қизиқиб қолдим. Айниқса, телевидение орқали намойиш этилган бир кўрсатувни томоша қилганимдан сўнг бу қизиқиш соҳир каштадўзлар билан мулоқот қилиш орзусига айланди. Биласизми, телевидение экранини гўё гуллатиб юборган тасвирлар ҳамон кўз ўнгимда. Мен ўшанда «шарҳловчи ўзбек кашталарида камалакнинг етти ранги жилоланади, деб нотўғри айтди, ахир, бу нақшларда оламдаги жамики ранглар жилоланаётир-ку!» деб ўйлагандим

**— Айтинг-чи, каштадўзлар билан бевосита мулоқотлар таассуротингизни бойитдими?**

— Ў-ў, бойитиш ҳам гапми! — юракдан хитоб қилди Накаяма хоним.-Мен Самарқандда, Бухорода чинакам мўъжизаларни кўрдим!

**— Мўъжизалар?!**

— Ҳа, мўъжизалар! Ахир ҳеч қандай кимёвий воситаларсиз гулдан, турли хил ўт-ўланлардан, ҳатто пиёз пўстлоғидан кўзни қамаштирувчи бўёқлар олиш мўъжиза эмасми! Мен Японияга қайтиб боргач, юртдошларимни бу мўъжизалар билан ҳайратда қолдираман!

**— Маъзур тутасиз-у, Накаяма хоним, техник мўъжизалар яратаётган японларни чиройли кашталар билан ҳайратда қолдира олишингизга шубҳам бор...**



— Айтганингиздек, Япония технология жиҳатидан жаҳоннинг пешқадам мамлакатларидан бири ҳисобланади. Аммо, биласизми, ҳар бир нарсанинг яхши, ёмон томони бўлади...

**— Биламан. Буни бизда лўндагина қилиб «калтакнинг икки учи бор» дейишади.**

— Ажойиб таъриф!.. Мен сизга айтсам, техник тараққиёт моддий ҳаётни яхшилагани билан ҳиссиётни сўндиради...

**— Бизнинг Абдулла Орипов деган шоиримиз бу хусусда узоқ йиллар бурун махсус шеър ҳам ёзганди.**

— Донишманд шоир экан... Хуллас, фан-техника тараққиётининг руҳиятга ҳужумини кўрган японлар ҳиссиётни сақлаб қолишга, табиийликка интила бошладилар... Биласизми, ўзбек кашталарини томоша қилган пайтимда далада ишлаган чоғларим, беғубор болалигим эсимга тушиб кетди. Ўша дамларни шундай қўмсадимки!.. Мен жуда кўп сўзаналар сотиб олдим. Умид қиламанки, улар жуда кўп японларни содда ва беғубор болалигига қайтаради. Дарвоқе, айтингчи, бизда бу сўзаналар қанча вақт сақланади?

**— Менимча... ўн-ўн беш йил.**

— Янглишяпсиз. Биз қалбга руҳий озуқа берувчи нарсаларни ниҳоятда эъзозлаб сақлаймиз. Бу сўзаналар, ишонинг, сиз билан суҳбатлашиб турган Накаяма хонимдан ҳам узоқроқ «яшайдилар».

— ...?

— Тушунмаяпсизми? Айтмоқчиманки, бу сўзаналар бизда авлоддан авлодга ўтади. Фан-техника қанчалик тараққий этмасин, японларнинг бир неча авлоди вакиллари уларга боқиб ўз болаликларини топадилар...

Юрак-юракдан жўшиб гапираётган Накаяма хонимга қараб ҳайратга тушаман. «Бу аёл биргина каштачилик санъатимиздан шунча соҳир нарсалар топибди, — дейман ўзимга ўзим. — Бунақа санъатларнинг эса бизда тури кўп. Аммо ўзимиз ўз санъатимизни олис кунчиқар мамлакатдан келган мана бу аёллар даражасида кашф этолмаяпмиз, назаримда. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шумикин?..»

Суҳбатда иштирок этган Юкиэ Макино, Чиёко Като, Ҳисако Хомма, Мигива Накамура хонимлар ҳам ўзбек каштачилик санъатига қойил қолганликларини изҳор этишди. Шу ўринда, айниқса, Макино хонимнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. У, мана, бир неча йилдирки, ўзбек миллий каштачилигини фидойиларча тарғиб этиб келмоқда: кўргазмалар уюштирмоқда, матбуот ва телевидениеда чиқишлар қилмоқда. Азбаройи муҳаббатининг зўрлигидан ўзбек тилини ўрганиб ҳам олди...

— Бизни, айниқса, сахий тупроғингиз, меҳмондўст халқингиз қойил қолдирди, — дейишди хонимлар суҳбат сўнгида. — Биз ўзбек халқига нисбатан самимий муҳаббатимизни юракларимизда олиб кетмоқдамиз. Японияга боргач, уни кашталарда акс эттирамиз...

Ҳа, умид қиламизки, меҳру-муҳаббат ҳисларига йўғрилган сержило кашталар халқларимиз дўстлигининг рамзига айланиб қолади.

**Мухторали НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Шаҳри Кешдаги маданият тарихи музейида ноёб топилма — сопол тобут сақланади. Бундай сопол тобутлар Хоразм вилояти ва Фарғона водийсида ҳам топилган. Аммо Кешдаги топилма ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.***

# НОЁБ ТОПИЛМА

Қадимшуносларнинг эътироф этишича, сопол тобут эрамиздан аввалги II асрга тааллуқли бўлиб, тўғри бурчак шаклидадир. Унинг ўнг томонида чироқ тасвири ва ёнида оловга эгилган тулпор от акс эттирилган. От устида қўлида чўқмор ва дубулға ушлаган ҳарбий ўтирибди. Чўкка тушиб турган авлиёга бақамти ҳолда аёл арфа чалиш билан андармон. Аёлнинг ёнгинасида тасвирланган китобни тадқиқотчилар «Авесто» деб талқин қилмоқдалар. Чап томонда эса эчки, сопол кўзача ва тахт устида зардушт ҳарбий бошлиқ тасвири мавжуд. Тобутдаги расм ва шакллар ҳунармандлар, чорвадорлар, созанда ва ҳофизлар, ҳарбийлар, хуллас зардуштийлик динига эътиқод қўйган суғд ва бактрия аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари ва диний тасаввурлари ҳақида жуда қимматли маълумотлар беради.

Шаҳрисабздаги ушбу ноёб топилмани қадимшунос олима И.Крашнекова бундан қирқ йиллар олдин кўҳна Кешнинг Севаз қишлоғида топганди. Авестонинг ватани Ўзбекистон эканлигини тасдиқловчи бу сопол тобутни олима замон тақозосига кўра кўп йиллар сир сақлашга мажбур бўлди. Замона шундай эди. Кўпгина чет эл тадқиқотчиларини ҳайратга солган тобут мустақилликка эришганимиздан сўнг Шаҳрисабздаги маданият музейига топширилди.

Шунингдек, музейда тарихдан гувоҳлик берувчи ноёб буюмлар сақланмоқда. Бу топилмалар Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тарихидан ҳикоя қилади.

**«Туркистон-пресс».**

# Ер юзида

воқеалар

рақамлар

тафсилотлар

## Бизнинг шарҳ

***Сўнгги пайтларда Ҳиндистон ва Покистон билан боғлиқ муаммолар барчанинг диққат марказида турибди. Чегараларда аҳвол ҳамон танглигича қолмоқда. Ушбу можароларни ҳал этиш, кескинликни юмшатиш жаҳон ҳамжамиятининг долзарб вазифаларидан бирига айланди.***

***Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида биринчи марта бўлиб ўтган Осиёда ўзаро ҳаракат ҳамда ишонч масалаларига бағишланган кенгашда ҳам ушбу масалага алоҳида урғу берилди.***

# Ҳиндистон ва Покистон музокараларга тайёр

Сиёсатдонлар анжуманда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг иштирок этганлигини ижобий баҳолаган бўлса-да, лекин уларнинг бир-бири билан бевосита учрашишдан бош тортганлигини, томонлар бу борада ўз қарашларини яқинлаштириш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишлари зарурлигини таъкидлашган. Ундан ташқари, томонлар саммитдаги нутқларида ҳам бири-бирини айблашда давом этишган. Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаи иккинчи томонни террорчиларга бошпана бериб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганликда айблаган бўлса, Парвез Мушарраф эса Покистон бундай айблардан мутлақо йироқлигини, бордию Ҳиндистон уруш очгудек бўлса унга лойиқ жавоб қайтарилишини таъкидлаган.

Шундай бўлса-да, иккала томон ҳам уруш қандай оқибатларга олиб келиши ва бу ҳол мамлакатлар манфаатларига жуда катта путур етказиши мумкинлигини тушунишаётгани зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этилишига умид уйғотмоқда.

Россия президенти Владимир Путин саммитда иккала давлат раҳбарлари билан якка-ма-якка учрашди. Ва уларни музокаралар учун Москвага таклиф этди. Маълумотларга қараганда, ҳозирча Покистон президенти бунга ижобий муносабат билдирган.

Саммитда террорчиликни таг-туби билан йўқ қилиш, тамаддунлараро мулоқотларни ривожлантиришга қаратилган декларация ва акт қабул қилинган бўлса-да, лекин бу Ҳиндистон ва Покистон муносабатларида кутилган ижобий натижаларга эришилди деган маънони англатмайди. Аммо кузатувчилар Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Важпаининг Мушарраф билан учрашиб, Жамму ва Кашмир муаммоларини муҳокама қилишга тайёрлиги, Покистон президенти ҳам музокараларга рози эканлиги келишмовчиликларнинг тинч йўл билан бартараф этилишида муҳим восита бўлиши мумкин, деб айтишмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳам ушбу вазиятнинг ечимини топиш учун ўз саъй- ҳаракатларини аямаслигини билдирмоқда. АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг ўринбосари Кристина Рокка ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро минтақада бўлиб, икки давлат раҳбарлари билан музокаралар олиб боргани барчамизга маълум. Ўтган куни эса бу ерга Пауэллнинг яна бир ўринбосари Ричард Армитижнинг сафари бошланди.

Шу кунларда ушбу минтақага АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг келиши ҳам кутилмоқда.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### *Россия саммитда қатнашмайди*

**Россия жорий йилнинг ноябрь ойида Чехия пойтахти Прага шаҳрида ўтказиладиган НАТОнинг саммитида қатнашмайди. Мамлакат мудофаа вазири Сергей Иванов ана шу ҳақда маълумот берган. Унинг айтишича, расмий Москва Шимолий альянснинг кенгайишига қарши, ноябрдаги саммитда эса айнан шу масала муҳокама қилиниши режалаштирилган.**



*Бугунги Тулуза.*

### *Яна бир қўпорувчилик*

**Исроилнинг Мегиддо шаҳри чорраҳаларидан бирида содир этилган қўпорувчилик натижасида 17 киши ҳалок бўлган ва 30 дан зиёд киши оғир тан жароҳати олган. Маълумотларга қараганда, ҳарбийларни олиб кетаётган йўловчи автобуси ёнида енгил автомобиль портлатиб юборилган.**

### *Музокаралар ўтказилиши режалаштирилди*

**Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагути Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин миллий маъмуриятининг раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиш ниятида эканлигини маълум қилган.**

**Шу ҳафтанинг шанба куни Кавагути, Тель-Авив ва Рамоллоҳда Яқин Шарқ можароларини бартараф этиш бўйича музокаралар олиб боришни режалаштирган.**

### *Сальвадор бошпана беради*

**Сальвадор ҳукумати Венесуэланинг собиқ адмирали Карлос Молине Тамайога сиёсий бошпана берадиган бўлди. Тамайо шу йилнинг апрель ойида Венесуэла президентига қарши қаратилган фитнада иштирок этган эди.**

***Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган «Қорадори-2002» номли кенг қамровли махсус тадбир давом этмоқда. Унинг ҳар йили май ойида ўтиши эса анъанага айланган. Хўш, натижалар қандай бўлмоқда?***

***Мутахассислардан иборат гуруҳимиз чиққан вертолёт аввало Фарғона вилоятининг Охунбобоев тумани узра парвоз этди. Самодан туриб экинзорлар орасидаги биз қидираётган ўсимликни аниқлаб олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун «қуролланган» кўз ва ўткир нигоҳ керак. Гуруҳимиз аъзолари эса ёш, аммо бу соҳада катта тажриба орттиришга улгурган ходимлар.***

## *«Қорадори — 2002»*



# Кўкнори экиш таъқиқланишини билмас эмиш

Ишга киришганимизга унча кўп вақт ўтмай туриб ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ тезкор вакили, милиция капитани Олимжон Худойбердиев гуруҳимиз раҳбари, милиция майори Сардор Саъдиевга ишора қилиб нималардир деди. Зум ўтмай вертолёт учувчиси қўнишга жой қидира бошлади...

Тумандаги Йўлдошобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ниёзов кўчасининг 91-уйидамиз. Ҳовли бурчагидаги ерда кўкнорилар гуллаб, баъзилари бошоқ солган. Бизни саросима ҳолатда кутиб олган хонадон эгаси Худойберди Ҳошимов гап нимада эканини аллақачон англаб етган эди. Шу сабабдан ҳам ҳар икки гапнинг бирида бу уй-жой расман унга тегишли эмаслигини рўкач қилаверар эди. Тўғри, уй уники эмас, бироқ Х. Ҳошимов турмуш ўртоғи ва беш нафар фарзанди билан кўпдан буён шу хонадонда яшашини инобатга олсак масала анча ойдинлашади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мамасодиқ Раҳимов суҳбатимизга қўшилиб, маҳалла аҳли орасида кўкнори экиб етиштириш жиноят эканлиги ҳақида суҳбатлар ўтказилгани, тушунтириш ишлари олиб борилганини айтди.

Эҳтимол, тўғридир, бироқ бундан баъзилар тегишли хулоса чиқариб олмаганига нима дейсиз?

Кейинги борар жойимиз ҳам ушбу тумандаги Обиджон Қаландаров номли кўча бўлди. Турмуш ўртоғи ва уч нафар фарзанди билан шу хонадонда истиқомат қилувчи Йўлчиев Рустамжон ҳам томорқасида 100 тупдан ортиқ кўкнори ўстирибди. Уй эгаси эса — бу кўкнорилар ўзи чиқиб қолган, — дея қонунбузарликларини хаспўшлашга уринди.

Навбат Фарғона туманига келганди. Бир томони Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган мазкур туман узра бир неча бор айландик. Бироқ, наша ёки кўкнори экилган ерларни учратмадик. Худди шундай ҳолатни Олтиариқ туманида ҳам кузатилди. Албатта, бундай ижобий ютуқларда нафақат ички ишлар ходимлари, маҳалла фаолларининг ҳам ҳиссаси катта. Ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланиб келаётган бир пайтда бу каби натижалар таҳсинга лойиқ. Билакс Қува тумани Шербўтаев номли ширкат хўжалигининг Ўзбекистон кўчаси, 188-уй, Ғозиевалар хонадонида бўлиб ушбу маҳалла оқсоқоли билан суҳбатлашганимизда бошқача манзарага дуч келдик. 1946 йилда туғилган Саломатхон Ғозиевага тегишли бўлган томорқада қулупнай экилган бўлиб, унинг ичида 300 туп атрофида бўлган кўкнори ўстирилган эди. Хонадон эгаси уйида бўлмаганлиги сабабли қизи Азизани саволга тутдик. Унинг гапларидан қонунчиликни яхши билмаслиги, яна ҳам ачинарлиси менсимаслиги кўриниб турарди. Биз айтмоқчи бўлган маҳалла оқсоқоли Камолиддин Ғозиев айнан шу оилага амаки бўлар экан. Унга келинига қарашли бўлган томорқада кўп миқдорда кўкнори ўстирилганини айтиб, назоратсизликнинг сабабини сўраганимизда: «Мен акам вафотидан кейин бу оила билан кирди-чиқди қилмай қўйганман», — деб жавоб берди. Во ажаб, ахир қариндошлик риштаси узилган бўлса, бурч масъулияти борку!

Навбатдаги «қаҳрамонимиз» Риштон туманидаги Фарғона кўчасининг 2-уйида яшовчи Толибжон Мамажонов бўлди. У кимдандир хабар топганми, кўкнориларнинг анча-мунчасини гумдон қилишга улгурган экан. Хуллас, мавжуд 3542 туп кўкнори яхшилаб парваришлангани яққол кўриниб турибди...

— Кўкнори уруғи аввалдан ўзимда бор эди, — дейди Т. Мамажонов. Бундан кўриниб турибдики, бу киши аввалдан шуғулланиб келган. Бироқ, «мен кўкнори экиш таъқиқланганлигини билмаган эдим» деган сўзи бироз ўхшамади. Авваломбор қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Қолаверса, бу кишининг кўп йиллар ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят бошқармасида ишлаганини ҳисобга олсак масала яна ҳам ойдинлашади.

Умуман олганда қонунни кўр-кўрона бузувчилар дўппи тор келиб қолганда сувдан қуруқ чиқиш учун не важларни ўйлаб топишмайди дейсиз. Шаҳрихон туманидаги Найман қишлоғида яшовчи Миродил Сотқинов 56 туп кўкнорини «ҳар йили ўзи ўсиб чиқади, болаларга дорилик учун олиб қўямиз» деб тушунтириш бериши ҳам таажжублидир. Уч нафар фарзанднинг онаси Одина Сотқинова бу ўсимлик экиб етиштириш таъқиқланган эканини жуда яхши билади. Бироқ қонунга ҳурматсизлик билан қараган холос.

Қисқаси билиб-билмай қонунбузарлик содир этиш ҳоллари учраётгани бизни ҳушёр торттиради. Демак, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, гиёҳванд моддаларни етиштириш ҳам қабоҳат, ҳам жиноят эканлигини уларнинг онгига сингдириш лозим. Шундагина бу вабодан холи бўламиз. «Қорадори — 2002» тадбири эса давом этмоқда.



**Исмоил МИНАВАРОВ,**
**ИИВ матбуот маркази ходими,**
**милиция майори.**


**«Камалак» хусусийлаштириш инвестиция фонди акциядорлари диққатига!**

## «Камалак» ХИФ

**акциядорларининг 2002 йил 27 апрелдаги умумий йиғилиши қарорига биноан ХИФнинг 2001 йилдаги фаолияти натижалари бўйича ҳар бир акцияга 100 сўмдан дивиденд белгиланган. Дивидендларни тўлаш акциядорларнинг яшаш ҳудуди бўйича амалга оширилади.**

**Дивидендлар акциядорлар яшаш ҳудудларидаги «ҲАМКОРБАНК»нинг бўлимларида тўланади:**

- Андижон шаҳри ва тумани учун — Нодирабегим бўлими, Андижон шаҳри, Бозор кўчаси, 2-уй, Бобур номли вилоят кутубхонаси орқасида;
- Асака туманида — Асака бўлими, Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 64-уй, Ёғ заводи ёнида;
- Балиқчи туманида — Чинобод бўлими, Чинобод қишлоғи, Чинобод шоҳкўчаси, 19-уй, Ип-газлама комбинати ёнида;
- Бўз ва Улуғнор туманлари учун — Бўз бўлими, Бўз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 29-уй, туман ДАН бўлими рўпарасида;
- Булоқбоши туманида — Булоқбоши бўлими, Булоқбоши шаҳри, Истироҳат боғи, Тожик кўчаси, 105-уй;
- Жалолқудуқ туманида — Жалолқудуқ бўлими, Жалолқудуқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, Халқ банки рўпарасида, «Чинор» ресторани ёнида;
- Избоскан туманида — Избоскан бўлими, Пойтуғ шаҳри, туман телеграфи биноси рўпарасида;
- Қўрғонтепа туманида — Қўрғонтепа бўлими, Қўрғонтепа шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 98-уй, шаҳарга киришда айланма йўлдан чапга кирилади;
- Марҳамат туманида — Марҳамат бўлими, Марҳамат шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй, Халқ банки ёнида;
- Олтинкўл туманида — Олтинкўл бўлими, Олтинкўл шаҳри, туман газлаштириш идораси биносида;
- Пахтаобод туманида — Пахтаобод бўлими, Пахтаобод шаҳри, пахта тозалаш заводи биносида;
- Хўжаобод туманида — Хўжаобод бўлими, Мадёров номли агрофирма маданият саройи биносида;
- Шаҳрихон туманида — Шаҳрихон бўлими, Шаҳрихон шаҳри, Ҳамза кўчаси, 2-уй, «Москва» кинотеатри орқасида;
- Фарғона вилоятида — Фарғона бўлими, Фарғона шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 22-уй, Ал-Фарғоний боғи орқасида;
- Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда бошқа вилоятлар учун — Тошкент шаҳри бўлимида, Тошкент шаҳри, Олмазор мавзеси, Фурқат кўчаси, 14-уй, «Халқлар дўстлиги» саройи рўпарасидаги Ўзбекистон Олимпия қўмитаси ва футбол федерацияси биноси ёнида.

Наманган вилоятидаги акциядорлар Наманган шаҳри Халқ банки бўлимида дивидендларини оладилар, Наманган шаҳри, Лутфий кўчаси, 5-уй.

***Ҳурматли акциядорлар!***

*Дивиденд олиш учун банкка борганингизда паспорт ва акцияларнинг сертификатини олишни унутманг. Олдинги йиллар учун олинмай қолган дивидендлар юқоридаги банк бўлимларида тўланиши давом этмоқда. Эски паспорт бўйича акция сотиб олган ёки акция олганидан кейин паспорти ўзгарган акциядорлар дивиденд олишда қийинчиликларга дуч келмасликлари учун қуйидаги манзилга келиб, янги паспорт маълумотлари бўйича қайта рўйхатдан ўтишлари сўралади:*

**Андижон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 19-уй.**

*Солиқ кодексининг 59-моддасига биноан даромад солиғидан имтиёзга эга бўлган акциядорлардан юқорида кўрсатилган манзил бўйича келиб ариза, паспорт ва имтиёзни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха тақдим этишлари сўралади. Ҳужжатлар қабул қилингандан кейин имтиёзга эга бўлган акциядорларга илгари солиққа ушлаб қолинган маблағлар қайтарилади.*

**Маълумот учун телефон рақамларимиз: (8-3742) 24-41-00, 24-48-36.**

5891/1149

